*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Хаbаr

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 9 mart, juma № 10 (443) Sotuvda narxi erkin

## МАҚСАДИМИЗ — МАВҚЕНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда ўтган йили сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, дебитор қарздорликни камайтириш, иш ҳақи, бюджетга ва чет эл шартномаларига тўлов масаласида бир қадар ижобий силжишларга эришилди.

Бошқариш тизимини қисқартиришга қаратилган тадбирлар ҳам йил охирига келиб корхоналар молиявий аҳволининг яхшиланишида ўз натижаларини берди. Умумий йиллик даромад корхоналарда 33,0 млрд. сўмга етди. Шундан 10,3 млрд. сўм миқдорида халққа хизмат кўрсатилиб, олинган соф фойда 3,2 млрд. сўмни ташкил этди. Корхоналар бўйича сўзлашувлар ҳажми 128 фоизга кўпайган бўлса, асосий телефонлар сони 51821 тага ортди. Шунингдек, ўртача иш ҳақи 170 фоизга ва капитал маблағларни ўзлаштириш салкам икки баробарга ўсганини айтиш мумкин.

Магистраль ва тақсимлаш тармоқларини кенгайтириш, телефон алоқаси хизматига талабни ўрганиш бўйича олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида ўрнатилган станциялар қувватидан унумли фойдаланиш, 83,6 фоиздан 86,6 фоизга ўсди. Энг муҳими, ўртача иш ҳақи 22150 сўмга етказилди. Аммо Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги корхоналарда бу кўрсаткич анча паст бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда «Ўзбектелеком» АК корхоналарида меҳнат қилаётган 23,4 минг ходимдан 18 мингдан кўпроғи 10 фоиздан 15 фоизгача бўлган акция соҳибларига айланишди.

Телекоммуникация бозорида ички ва ташқи рақобатнинг таъсири ҳамда миллий ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини инобатга олган ҳолда маркетинг изланишлари талаб даражасида амалга оширилмаяпти. Маркетинг хизмати эътиборсиз қолаётган бир пайтда дунёнинг кўзга кўринган операторларининг асосий эътибори мижозга қаратилгандир. Бизда эса асосий эътибор техник муаммоларга қаратилган, холос. Аслида соҳанинг ривожланиши асосан раҳбарнинг маркетинг хизмати аҳамиятини чуқур билиши ва теран англашига боғлиқ. Шуни ҳам назарда тутиш зарурки, маркетинг самараси тез кунда кўринмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, монополист компанияни маркетинг асосларига мослаштириш учун бир неча йил вақт талаб қилади.

Телекоммуникация бозорининг асосий омили мижозларнинг тўлов қобилиятидир. Биз эса ҳозирча бу омилни телефон ўрнатиш учун тушган аризалар сони билан белгилашдан нарига ўтолмаяпмиз. Албатта истиқболли талабларни ўрганиш ва таҳлил этиш катта меҳнат талаб этадиган жараёндир.

Жойларда талон-торожлик ҳамон давом этаётгани кишини таажжубга солади. Ўтган давр ичида тармоқнинг линия ва станцияларида 164 та ўғирлик ва 126 та узилишлар бўлиб, «Тошкент Телеком» АЖда 376 та, «Чирком»ҚКда 196 та, «Фарғона Телеком» АЖда 150 та, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖда 149 та ўғирликлар қайд этилди. Шунингдек, рангли металлар чиқиндисини қабул қилишни тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанлигига қарамай, жойларда бу ноёб чиқиндилар яширинча қабул қилинмоқда. Тахминий ҳисобларга қараганда ўтган йили тармоқда мукаммал ва жорий таъмир харажатларига сарфланган маблағларнинг ярмига яқини ана шу ўғирланган ва узилган линия ҳамда жиҳозларни тиклашга кетган. Иллатнинг олди олинмаса нафақат телекоммуникация соҳаси, балки бошқа кўп тармоқлар ҳам катта зарар кўриши мумкин.

Аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатига бўлган эътирозлар қишлоқ жойларда электроэнергияни ҳеч қандай огоҳлантиришсиз узиб қўйилаётгани билан боғлиқдир. Ўтган даврда 28725 та шундай ҳолатлар бўлиб, 22252 та ҳолатда алоқа узилиб қолган ва жами 100 минг соатдан ортиқроқ вақт оралиғида алоқа бўлмаган.

2000 йили компания корхоналарида тўртта бахтсиз ҳодиса юз берган. Албатта, айбдорлар маъмурий жазоланди. Лекин ўз вазифасига совуққонлик қилаётган раҳбарларга кескин чоралар кўрилмаган. Натижада раҳбарлар бу борада жавобгарликни ҳис этишмаяпти. Аҳвол эса ҳамон ачинарли, яъни 1000 вольтгача бўлган хавфли кесишишларни тугатиш Сирдарёда 24 фоиз, Қашқадарёда 28 фоиз, Навоийда 35 фоиз ва 1000 вольтдан юқори кучланишдаги кесишишларни бартараф этиш Тошкент вилоятида 11 фоиз, Навоийда 12 фоиз ва Сурхондарёда 15 фоиз бажарилганлигини қандай тушуниш мумкин?

Ҳукуматимизнинг 253-сонли қарори билан Республика телекоммуникация тармоғининг 51 фоиз акцияси чет эл инвесторига сотишга рухсат этилди ва келгусида чет эл бошқарувига ўтиши аниқланди. Ижроия аппарат томонидан тармоқ акциясини сотиш билан шуғулланаётган консультантларга керакли барча маълумот ва ёрдам беriляпти. Шу билан бирга акциянинг қадрини ошириш мақсадида мавжуд ички имкониятларни ишга соляпмиз. Лекин айрим корхона раҳбарлари ҳали бу жиддий масаланинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаяптилар.

Агентлик томонидан бизга янги хизмат турлари кўрсатиш учун лицензиялар берилиши тармоқда янги тараққиёт йўлини очиб берди. Янги «Инталтелеком» шўъба корхонаси тузилди ва келгуси тараққиёт режаси белгиланиб, иш бошланди.

Ҳозир қисман монополист сифатида, қисман эса рақобат муҳитида хизмат кўрсатяпмиз. Шулар орқали мамлакатимиз ахборот асри ва глобал ахборот магистрали сари одимламоқда. Компаниянинг янги мавқеини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

– вужудга келган рақобат муҳитида етакчи оператор сифатида ўз мавқени сақлаш;

– мижозларга арзон нархларда замонавий, сифатли ва мустаҳкам телекоммуникация хизматларини тақдим этиш;

– акциядор ва сармоядорлар учун тармоққа киритилган маблағлар қийматини ошириш;

– ходимлар учун яхши ижтимоий шароит яратиш, билим ва касб маҳоратини ошириш;

– рақобатчилар билан мустаҳкам, тенг ҳуқуқли ва ҳаққоний ҳамроҳ сифатида муносабатга киришиш.

2000 йил якунлари компания раҳбариятида чуқур таҳлил этилди, камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларнинг бажарилишини жойлардаги раҳбарлар қаттиқ назоратга оладилар деб ўйлайман.

***Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ,***
***«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори***



**Давлат алоқа инспекцияси ҳузурида «Ишонч телефони» фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа муддатда бу хизмат мижозлар ишончини оқлашга улгурди. Бунда 1-тоифали муҳандис Муҳаббат МУСАЕВАнинг хизматлари катта бўлмоқда.**

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

*● Танқиддан сўнг*

## ДАРДИМИЗ БИР ЭКАН

**«Хабар» газетасини бир неча йилдан буён ўқиб борсамда, ҳали таҳририятга бирон маротаба хат ёзганим йўқ. Аммо газетанинг 2001 йил, 16 феврал сонида эълон қилинган «Сукутдаги радиокарнайлар» мақоласини ўқиб, муносабатимни таҳририятга ёзма тарзда юборишга қарор қилдим.**

**Мен Наманган шаҳрида истиқомат қиламан. Газетангизда танқид қилингани каби, бизнинг шаҳримиздаги радиокарнайлар ҳам сукут сақламоқда. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга кў-ўп мурожаат қилганмиз. Буни қарангки, мутасадди ходимлар ҳам сукут сақлашмоқда.**

**Ахир мамлакатимиз ривожи ва тараққиётини радиосиз тасаввур қилиш мумкинми? Ҳар куни тонг саҳарда янграйдиган Ватан мадҳияси ўрнини нима билан қопламоқчи экан, радиокарнайларни ёқтирмайдиган мутасаддилар? Радио фақат фавқулодда ҳолатлардан огоҳлантириш учунгина эмас, балки халқимиз маънавиятини мустаҳкамлаш учун ҳам зарур эмасми? Республикамизда бўлаётган барча хабар ва сўнгги ахборотларни, ҳозирги куннинг долзарб масалаларини, огоҳликка чақириқларни радио орқали эшитмасак, қаердан эшитамиз? Радиони йўқ қилиш халқ овозини бўғиш эмасми?**

**Президентимизнинг «Янгисини қурмай туриб эскисини бузманг» деган сўзлари эсдан чиқдими? Ҳали ривожланиб улгурмаган эфир вариантини баҳона қилиб, неча йиллардан бери ишлаб келаётган симли радиони йўқотиш кимга керак бўлиб қолди?**

**Ҳурматли таҳририят! Мен ўйлайманки, мақолада ёзилган талаб ва таклифлар жавобсиз қолмас. Сизларнинг мана шундай долзарб мақолаларни газета орқали ёритишда давом этишларингиздан умидвормиз. Балки, бу камчиликлардан соҳа мутасаддилари бехабардир. «Хабар» газетаси орқали билиб олишса, радиомиз ишлаб кетса ажаб эмас.**

***Сайфиддин ФАХРИДДИНОВ,***
***Наманган вилояти***

## АЛОҚАЧИ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШАДИЛАР

«Наманган почтаси» акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида мамлакат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб алоқа ходимлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказишга қарор қилинди. Беллашувларнинг юқори савияда ўтиши учун ҳакамлар ҳайъати аниқланиб, ташкилий қўмита тузилди, аниқ тадбирлар белгиланди.

Мусобақаларда шаҳар ва туман филиалларидан 300 дан ортиқ алоқачининг иштирок этиши кутилмоқда.

Биринчи босқич мусобақалари волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, шоҳмот ва шашка турлари бўйича ўтказилади. Ушбу тадбир республика босқичига соҳадаги энг яхши спорт жамоаларини танлаб олиш имконини беради. «Оналар ва болалар йили»га бағишланган кейинги босқичда оилавий спорт мусобақалари ўтказилади. Бунда иштирокчилар спортнинг бешта тури бўйича беллашадилар. Ғолиб чиққан оилалар Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга чиқадилар.

Мусобақаларни ўтказиш учун барча шаҳар ва туман филиалларидаги спорт майдончалари шай ҳолатга келтирилган. Табиийки, бундай тадбирлар соҳанинг эртанги ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

***Баҳодир БОЛТАБОЕВ***

**«ХАБАР»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

# ОМАД УЙДАН БОШЛАНАДИ

Косон туманидаги почта филиалига кириб борганимда Маҳмуд ака ўз ишчи-ходимлари билан 2000 йил молиявий якунлар ва 2001 йилдаги вазифаларни муҳокама қилаётган экан. Корхонанинг ўтган йилги кўрсаткичлари билан мени таништираркан, филиал директори Маҳмуд ака Ҳақбердиев ўз устозини эслаб қолди.

— Устозим Боймурот Тўлаевнинг ўгитлари эсимдан чиқмайди. «Маҳмуджон, сен аввало ўзинг билан ишлаётган ходимлар юрагига йўл топ, уларни авайлаб эъзозла, ҳар бирини ўз ўрнига қўя бил, шундагина ишингда унум-барака бўлади» дер эдилар. Ростдан ҳам эришилган мана бу натижаларнинг барчаси мен билан ишлаётган ходимларнинг хизмати. Шунинг учун ҳам агар ёзсангиз улар ҳақида ёзинг.

**— Маҳмуд ака, 40 йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб келяпсиз. Шу касбга бунчалик меҳр қўйишингизнинг боиси нимада?**

— Бу касбга ихлос эҳтимол раҳматли отамдан (Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин) ўтган бўлса ажаб эмас. Отам қарийб 30 йиллик умрини алоқа соҳасига бағишлаган, шу касбдан нон топиб, мени тарбиялади. Буни қарангки, менинг икки нафар фарзандим ҳам шу касбни танлашди. Бундан албатта мамнунман.

Бир воқеани ҳеч қачон унутмасам керак. 1969 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини тугатиб келганимдан сўнг олти ойлар чамаси ишлагач, оладиган маошим жуда кам деган баҳона билан алоқа соҳасини ташлаб, қурилишга ўтиб кетганман. Аммо ўша йиллари вилоят алоқа бошқармасининг бошлиғи Анвар ака Зайниддиновнинг панд-насиҳатлари туфайли яна алоқа соҳасига ишга қайтдим. Тўғри йўлни кўрсатганликлари учун у кишидан бир умр миннатдорман.

**— Мана, бу йил жонажон республикамиз мустақиллигига 10 йил тўлади. Шу қисқа тарихий жараёнда шахсий ҳаётингизда қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Биласизми, «қизил империя» даврида инсоннинг меҳнати унчалик қадрланмас эди. Мустақиллигимиз туфайли ватандошларимизнинг ҳар бир саъй-ҳаракати эътибор топди. 1996 йили агентлик томонидан менинг озми-кўпми меҳнатим ҳам юксак баҳоланиб, «Моҳир алоқачи» унвонига лойиқ топилганим буни тасдиқлайди.

**— Маҳмуд ака, сизни вилоятимиз алоқачилари оила борасида омади келган, бахтли инсон дейишади.**

— Аввалам бор, эркак кишининг оиласида тинчи бўлсин. Оилада тинч-тотувлик ҳукм сурсагина олиб бораётган ишда барака бўлади. Бизнинг омадимиз эса Раънохон опангиз билан боғлиқ. У киши билан кечираётган ширин турмушимиз боис етти нафар фарзандимизнинг ҳаммаси олий маълумотли бўлиб етишди. Фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялай олсак, жонажон ватанимиз равнақи йўлида баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўша олсак бундан ортиқ бахт бўладими?

**Маҳмуд ака билан яна анчагина суҳбатлашгач, у кишини яқинлашиб келаётган таваллуд куни билан табриклаб, хайрлашдик. Унинг ҳавас қилса арзигулик, оиласига тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тиладик. Ўз оиласини, касбини севиш, оиласидан, касбидан бахт топиш ҳаммамизга насиб этсин.**

*Раъно ҚИЛИЧЕВА,*
*жамоатчи мухбиримиз*



**Алоқа соҳасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган Шерали ЮСУПОВ Хорватияда малака ошириб келгач, Термиз шаҳарлараро автомат телефон станциясида «Эриксон-Никола-Тесла» компаниясининг АХЕ-10 ускуналарини ўрнатишида фаол қатнашди. Ҳозир у шу корхонада муҳандис бўлиб ишламоқда.**

***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган***

## ҲИССАДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Тошкент таксофони» акциядорлик жамияти ҳиссадорларининг навбатдаги умумий йиғилиши Тошкент шаҳар, «Электроаппарат» заводининг мажлислар залида 2001 йил, 30 март куни соат 15.00 да ўтказилади.**

### КУН ТАРТИБИ:

1. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида «Тошкент таксофони» АЖ директорининг ҳисоботи.
2. Аудитор текшируви хулосаси.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
4. 2000 йилги фойдани тақсимлаш.
5. Кузатув Кенгаши раисининг ҳисоботи ва Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.

***«Тошкент таксофони» АЖ Кузатув Кенгаши***




*Электромагнит мослашув маркази жамоаси республикамиз алоқачиларини яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан муборакбод этади.*

Юртимизга тинчлик-осойишталик, дастурхонингизга ризқ-барака, барчангизга бахту-саодат, ишларингизда улкан омадлар тилаймиз.



***Электромагнит мослашув маркази***


## ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти томонидан «Ўзбек миллий либослари» деб номланган почта маркалар тўплами муомалага чиқарилди.

Ушбу почта маркаларининг баҳоси 45-00, 50-00, 60-00, 90-00, 125-00 сўмлик бўлиб, кўп нусхада чоп этилган.

Тўпламдаги бешта почта маркаларида ўзбек миллий либослари турли кўринишларда тасвирланган.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



«Қашқадарё почтаси» акциядорлик жамияти Яккабоғ филиали ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари ушбу корхона ҳисобчиси **Светлана ВОҲИТОВА**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида омад ёр бўлишини тилайди.

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

## ЧЎНТАКДАГИ БЕМИННАТ ХИЗМАТКОР

Бугунги кунда бизнеснинг «электрон тижорат» бозори тез кенгайиб боряпти.

Уяли телефондан «электрон ҳамён» сифатида фойдаланиш ғояси операторларда 90-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Бу ғоя биринчи бор Финляндияда рўёбга чиқарилган. Хелсинки кўчаларида уяли телефон қўнғироғи бўйича Кока-кола сотадиган махсус автоматлар ўрнатилган. Бир шиша Кока-колага эга бўлмоқ учун уяли телефондан автомат рақамини териш кифоядир. Кока-кола ҳақи алоқа хизмати ҳисобига киритилгандир. «Электрон тижорат»нинг бу энг оддий усули ҳозир бошқа мамлакатларга ҳам тарқалмоқда.

Уяли телефон эгалари келгусида ўз аппаратлари ёрдамида акцияларни, хориж валюталарини сотиш имконига ҳам эга бўладилар. «Ҳамёндаги дўкон» хизмати ҳам бажо келтирила бошлайди. Чунончи, мижоз мобил телефондан фойдаланиш йўли билан тармоқ дўконларига ўзига керакли товарлар учун буюртма бериши, уларни уйга келтириши ва дарҳол ҳақини тўлаши мумкин. Шунингдек, мобил аукционларда, лотереяларда ҳам иштирок эта олади. Бундай хизматлар уяли телефонларга симсиз тиркаладиган стандарт – WAP (Wireless Application Protocol) ёрдамида рўёбга чиқарилади. WAPни тутиб турувчи аппарат кўмагида интернетдан – WAP ўлчами сайтларидан керакли ёзма ва график ахборотни тез қабул қилиш мумкин. Масалан, кинотеатрлар сеансларини ёхуд самолётларнинг учиш жадвалига доир маълумотларни билиб олиш, меҳмонхонадан ўрин банд қилиш мумкин.

Data Monitor агентлигининг ҳисобича, 2005 йилга келиб Европадаги мобил тармоғининг 186 млн. (60) фоиз абоненти WAP телефонларидан фойдаланадилар. 2003 йилда WAP дан тушадиган даромад 20 млрд. еврога кўпаяди.

Nokia Mobile Phones бўлинмасининг раҳбари Матти Алахухтанинг айтишича, 2000 йилда ишлаб чиқарилган WAP телефонларининг миқдори шу йили ишлаб чиқарилган шахсий компьютерлар сонидан анчага ортади.

WAP телефонлари мобил телефонлар бозорининг 10-15 фоизига эгалик қилади. «Тўрт йилдан сўнг, – дейди Erricsson раҳбари Курт Хелестром, – мобил телефон орқали интернет билан боғланиш оддий ҳодиса бўлиб қолади». Яқин беш йил ичида мобил тармоқлари орқали узатиладиган маълумотлар ҳажми бутун дунёда 70 фоизга ортади: 2005 йилда мобил тармоқлари умумий графигининг қарийб 60 фоизини узатиладиган маълумотлар ташкил этади.

• *Турмуш чорраҳаларида*

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Жонажон Ўзбекистонимизни жаннатга, унинг сахий, бебаҳо тупроғини олтинга қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Жаннатмакон ўлкамизда азалдан деҳқончилик маданияти юксак даражада ривожланган. Кўҳна тарих бунга гувоҳ. Соҳибқирон Амир Темур яратган афсонавий боғлар шундан далолат беради. Бир мавсумда бир неча бор мўл-кўл ҳосил олиш имконини берадиган ана ўша олтин тупроғимиз саховати дарҳақиқат бeқиёсдир. Қиш-қировли кунларда кетмонини соғиниб қолган бободеҳқон эрта баҳордан тупроқ билан тиллаша бошлайди, бутун турмуш-турмуши, орзу умиди она ер билан боғлиқ бўлиб қолади.

Шу кунларда далалар, боғроғларда иш қизғин. Баҳорги кўчат ўтказиш мавсуми бошланди.

Афсуски, шўролар замонидан қолган иллат – ҳар қандай хайрли, савоб ишга расмиятчилик билан, шунчаки бир «тадбир» сифатида қараш одатидан ҳали-ҳамон қутулолмаётирмиз. Шу боис ҳам кўчат экиш, боғ яратишдай муҳим иш ҳам гоҳо кутилган натижани бермайди. Кўчат экиш режаси бир амаллаб бажарилади, аммо ниҳолнинг парвариш-муҳофазаси эътибордан соқит қилинади. Бозорларга кириб, мева-чева нархининг «совуқлиги»дан жунжикканимизда масаланинг бу томонини ҳам хаёлдан бир ўтказиб қўйсак зиён қилмайди.

Ҳар гал Сирдарё, Жиззах вилоятларига йўлим тушганда, чеки-чегараси уфқларга туташиб кетган катта йўлнинг икки чеккаси, экин майдонларидаги ариқ-зовурларнинг кенг қирғоқлари бўм-бўшлиги, яйдоқлигини кўриб, тўғриси, юрагим эзилади. Ахир ана шу ерларга мевали дарахтлар экилса бўлмайдими? Фойдаланиш мумкин бўлган ерни қаровсиз ташлаб қўйиш увол эмасми? Тўғри, бу юмуш осон бўлмаслиги мумкин. Ниҳолларни суғориш, парваришлаш, қўриқлаш масаласи бор. Аммо... «тоққа чиқмасанг дўлона қайда?!» Бизнингча, олинадиган фойда, даромад чекилган заҳматга, сарфланадиган харажатга арзийди. Буни ҳисоб-китоб қилиб, аниқлаш қийин эмас. Фақат бунинг учун мутасаддиларнинг эътибори, ҳафсаласи керак, холос.

Сир эмас, Япония каби ҳар бир қарич ерга зор бўлган мамлакатларда денгиз-сув устига сол ўрнатилиб, унга тупроқ солиниб, деҳқончилик қилинмоқда. Ҳатто томларнинг устига ҳам уруғ, ниҳоллар экилмоқда. Бизнинг имкониятларимиз эса чексиз. Фақат ундан оқилона фойдалана билмоқ керак. Чамаси, қаерда нима беҳисоб, кўп бўлса, шу нарсанинг қадрига етилмайди, шекилли. Аҳоли зичлиги бўйича фақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидагина эмас, жаҳонда ҳам юқори ўринда турадиган Фарғона водийсига борсангиз, ерга муносабат, ерга меҳр бўлакча эканлигини кўриб ҳавасингиз келади. Водийдаги айрим қишлоқ ҳовлиларида одамлар катта йўл чеккасидаги ариқлар бўйига сархил узумлар экиб, чиройли қилиб ишкомларга тараб қўйишади. Кузда шу ерларга йўлингиз тушса, олтиндай товланиб турган меваларга кўзингиз тушиб, завқланасиз. (Дарвоқе, Олой бозорида ҳозир яхши ҳусайни узумнинг нархи 3-4 минг сўм). Мевали дарахтлар (айниқса узумдай нозик, алоҳида парвариш талаб қиладигани) меъёридан ортиқ суғорилса ҳосилга зиён бўлади деган гаплар бекор экан.

Табиатнинг адолатли қонуниятини қарангки, дарахтлар сувли шароитга ҳам мослашиб қоларкан. Бободеҳқон буни яхши билади. Қанийди ернинг ҳақиқий хўжайини ҳам чинакам, миришкор бободеҳқон бўлса!

Юқорида қайд қилинган долзарб, муҳим масалани кўп йиллардан буён ёзувчи Дадахон Нурий матбуотда жонкуярлик билан ёзиб келмоқда. Афсуски, ҳар қандай хайрли ишнинг хайрихоҳлари бўлиши билан бирга, унга тўғаноқ бўлувчилар ҳам кам эмас экан.

Ерга муносабат ва деҳқончилик маданияти фақат раҳбарлар, мутасаддиларга дахлдор муаммо эмас, албатта. Қишлоқда яшаб туриб, 6-8 сотих ерига фақат бир марта маккажўхори экиш билан кифояланадиган, бола-чақаси билан дурустроқ мева-чева еёлмайдиган, ялқов, уқувсиз деҳқонлар ҳам йўқ эмас.

Шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг пастидаги дўппидек ернинг ўзлаштирилмай, тиконзор, ахлатхона бўлиб ётганини кўриб, юрагингиз эзилади. Биз ахир «Қадамингда гуллар очилсин!» дея қўшиқ тўқиган миришкор халқнинг фарзандларимиз, азизлар.

Яқинда таниқли тадбиркор, олим дўстим Ғуломжон Маданинов шундай бир антиқа гапни айтиб берди. Маълум бўлишича, Саудия Арабистонида одамлар гуноҳ қилиб, битта одамни ўлдириб қўйса, унинг жазоси ҳам битта хун бўларкан, мабодо кимда ким битта дарахтни нобуд қилса, бунинг жазоси ўнта хунга (тўловга) баробар экан. Боиси – бу ерда бир томчи сув тилло баҳосида (ичимлик суви хориждан келтириларкан) бўлиб, қумликларда дарахт ўстириш осон иш эмас экан.

Шундай муқоясадан кейин Оллоҳга минг карра шукроналар айтсак арзийди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Баҳорнинг ҳар бир куни ғанимат. Бир кун олдин эккан бир ҳафта олдин ўради, дейдилар. Фақат саъй-ҳаракатларимиз расмиятчиликдан, юзакиликдан холи бўлса, узоқни кўзлаб иш тутсак бас.

***Шодмон ОТАБЕК***



**Ҳув-в ана, баҳор элчилари учиб келяпти.**

• *Бу – қизиқ!*

## ИРИМЛИ ЧОЙ

Чойни хўплаб туриб фақат унинг қизиллигини-ю хушбўй таъмини хўплаяпман десангиз, хато қиласиз. Чойга қўшиб иримларни ҳам хўплаётган бўласиз. Масалан, чой ичаётганингизда шама орасидан чойчўп чиқса, демак, уйингизга меҳмон келади. Пиёлангиз ўртасида кўпик туриб қолса – бу бойлик. Уни дарров шукрона айтиб, пешонангизга суришингиз керак. Агар кўпик пиёла четида бўлса, асло сурта кўрманг – бойлик сиздан кетиб қолиши мумкин. Чойингиз тугамай устига чой қуйилса – икки бор турмуш қурасиз. Чойнак охиридаги чойни ичганларга мазза – ёри жуда чиройли бўлади.

Бу иримларнинг нечоғлик ҳаётий асоси бор билмадигу, чойга муҳаббатдан, чойпарастликдан иримлар кўпайгани рост.

## ОТА-ОНАНГИЗ РОЗИМИ?

**Имом Насафийдан ривоят қилинишича, фарзанд ота-онаси олдида доимо бурчли ва қарздордир. Қуйида шу ҳақдаги ўгитлардан намуналар ўқийсиз.**

**Тил билан хизматда бўлиш**

1. Ота-онангиз билан сўзлашганда юмшоқлик ва одоб билан гаплашинг.
2. Улар билан сўзлашган пайтда овозингизни баланд кўтарманг.
3. Ота-она ҳузурида заруриятдан ортиқча гапларни гапирманг.
4. Улар гаплашаётганда сўзларини бўлманг ёки сўз қистирманг.
5. Сўзларини асло рад қилманг.
6. Улар билан буйруқ ёки таъна оҳангида гаплашманг.
7. Ота-онага қаҳр оҳангида гапириб, уларни норози қилманг.
8. Уларга танбеҳ билан гапирманг.
9. Бирор хизмат буюришса ёки маслаҳат беришса «уф» деманг.

**Дил билан хизматда бўлиш**

1. Дил-дилдан ота-онангизга раҳм-шафқат кўрсатинг.
2. Ота-онани чин дилдан дўст тутинг.
3. Уларнинг шодлик пайтларида хурсанд бўлинг.
4. Ота-онанинг ғамгин ҳолатида ҳамдард бўлинг.
5. Улар томонидан бирор камчилик ўтса, ранжиманг.
6. Қилаётган ишингиз ёки айтаётган сўзингиз ҳақ бўлса ҳам уларга озор етказишдан тийилинг.
7. Уларга озор бермасликни доимо ният қилиб юринг.
8. Улардан жафо кўрсангиз ҳам умрлари узун бўлишини тиланг.

**Мол билан хизматда бўлиш**

1. Ўзингиз либос кийсангиз ота-онангизга ҳам олиб беринг.
2. Ўзингиз еган нарсалардан уларни ҳам баҳраманд этинг.
3. Улар билан овқатланганда лаззатли қисмини таклиф этинг.
4. Улар ўзларига тўқ бўлса ҳам, сизга изҳор қилолмайдиган ҳожатлари учун молингиздан бериб туринг.
5. Бирор орзу-ниятлари бўлса уни барпо қилишга тиришинг.
6. Ота-онанинг диллари хоҳлаган нарсага уларни тез-тез таклиф қилиб туринг.
7. Уларнинг дўстларини дўст тутиб йўқланг ва бу билан юзларини ёруғ қилинг.
8. Улар бемор бўлганида соғайиши йўлида садақа қилинг ва Оллоҳдан шифо тиланг.
9. Оллоҳ сизга ато этган мол-дунё ихтиёрини уларга ҳам бериб қўйинг.
10. Ота-онанинг дунёвий эҳтиёжларини муҳайё этишга тиришинг.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Рихси Исаевга укаси

**АБДУҒАФФОРХЎЖАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институтнинг ўқув бўлими бошлиғи Н. Гултўраевга отаси

**Ҳабибулла ҳожи ГУЛТЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси Бухоро вилояти РТУМ бошлиғи Солиҳ Турсуновга отаси

**Ҳайдар ТУРСУНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Қорақалпоқ почтаси» акциядорлик жамияти Беруний филиали жамоаси корхона директори Рустам Қодировга ўғли

**Икромжон ҚОДИРОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

•

**Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ**
**Шуҳрат ЖАББОР**
**Анатолий КУДИНОВ**
**Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)**
**Мирпўлат МИРЗО**
**Рустам ҚОСИМОВ**
**Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ**
**Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ**

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
**Саидмаҳмуд АКБАРОВ**
**Шоҳруҳ АКБАРОВ**
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**
**Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ**
**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**
**Бобохон ШАРИФ**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

•

**Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.**

**Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.**

**Буюртма № Г-2239. 9326 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.**

**Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

**1 2 3 4 5 6**